

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ САЛИМЖОН ОЛИМЖОНОВИЧ**

**ЮҚОРИ ЮКЛАМА ШАРОИТИДА ДАСТУРИЙ  
КОНФИГУРАЦИЯЛАНДИГАН ТАРМОҚЛАРДА ГЕТЕРОГЕН  
ТРАФИК ОҚИМЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ МОДЕЛИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Махмудов Салимжон Олимжонович**

Юқори юклама шароитида дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда гетероген трафик оқимларини тақсимлаш модели ва алгоритмлари..... 3

**Махмудов Салимжон Олимжонович**

Модель и алгоритмы распределения потоков разнородного трафика в программно-конфигурируемых сетях в условиях высокой загрузки..... 21

**Mahmudov Salimjon Olimjonovich**

Model and algorithms for the distribution of heterogeneous traffic flows in software-defined networks under high load..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**МАХМУДОВ САЛИМЖОН ОЛИМЖОНОВИЧ**

**ЮҚОРИ ЮКЛАМА ШАРОИТИДА ДАСТУРИЙ  
КОНФИГУРАЦИЯЛАНАДИГАН ТАРМОҚЛАРДА ГЕТЕРОГЕН  
ТРАФИК ОҚИМЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ МОДЕЛИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/T465 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нишанбаев Туйғун Нишанбаевич**  
техника фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хамдамов Уткир Рахматиллаевич**  
техника фанлар доктори, доцент

**Рахимов Бахтиёржон Неъматович**  
техника фанлар доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**“Ўзбектелеком” АК**

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02. Илмий кенгашнинг 2020 йил “25” ноябр соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.) Тел: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (2625 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-64-44).

Диссертация автореферати 2020 йил “14” ноябр да тарқатилди.  
(2020 йил “13” ноябр даги 6 рақамли реестр баённомаси)



**И.Х. Сиддиков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Э. Хужаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р.М. Алиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис муовини, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сўнги йилларда янги турдаги алоқа тармоқлари ҳамда замонавий хизматлар янада мураккаб бошқарув функцияларини талаб этмоқда. Инфокоммуникация хизматларининг таракқиёти ахборот ресурсларини самарали бошқариш билан биргаликда, алоқа тармоғининг функционалигини кенгайтириш каби ечимларни талаб қилади. Ўз навбатида, телекоммуникация соҳасида янги технологияларнинг киритилиши ва ривожланиши алоқа операторлари олдида хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш, протоколлар ўртасида ўзаро ишлашни ташкил қилиш, ишончли транспортни тақдим этиш, хизматлар тўпламини аниқлаш каби ҳал этилиши талаб қилинадиган айрим муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу борада жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларда мавжуд тармоқнинг ишлаш самарадорлигини оширишни кўзда тутадиган дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар ўрганилмоқда. Ушбу шароитда дастурий конфигурацияланадиган тармоқларнинг қурилмалари ҳар хил турдаги ва катта ҳажмдаги ахборотларни юқори тезликда, белгиланган сифат даражасида қайта ишлаш ҳамда узатиб бериш қобилиятига эга бўлиши, қисқа вақтда ахборот оқимини тармоқ бўйлаб самарали тақсимлаш ва маршрутлаш масалалари муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда ҳозирги кунда инфокоммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотлар анъанавий TCP/IP тармоқ технология фойдаланувчиларнинг ахборот узатишга бўлган талаблари тобора ўсиб бориши натижасида яқин келажакда жавоб бера олмаслигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатда ечим бўлиши кутилаётган дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар нисбатан янги тармоқ технологияси ҳисобланганлиги сабабли, уларни ривожлантириш, такомиллаштириш, тармоқнинг самарадорлик кўрсаткичларини ошириш ва ҳисоблаш моделини ишлаб чиқиш масаласини тадқиқотчилар кенг ўрганишмоқда. Шунга кўра, тармоқнинг ташқи трафик ахборот оқимларини тақсимлаш жараёнларини оптималлаштириш, ташқи трафик оқимларини юқори юклама шароитида тақсимлаш усулини яратиш, ташқи гетероген трафик оқимлари қисқа маршрут йўллари орқали узатилишини таъминлайдиган алгоритм ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурида ахборот-коммуникация технологияларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, эришилган ютуқларни иқтисодиётнинг барча тармоқларида ҳаётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутди. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида, жумладан «...телекоммуникация инфраструктурасини ривожлантириш йўналишида Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни кенгайтириш, мобил алоқа тармоғи ва бошқа

замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва модернизация қилиш...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Давлатнинг иқтисодий ривожланиш дастурларида кўзда тутилган кенг кўламли режаларни амалга ошириш инфокоммуникация тармоғи воситаларининг ишончли ва узлуксиз ишлашига ҳал қилувчи даражада боғлиқ. Ушбу шароитда ахборот-коммуникация тармоқларининг воситалари ҳар хил турдаги ва катта ҳажмдаги ахборотларни юқори тезлик, белгиланган сифат даражасида қайта ишлаш ҳамда узатиб бериши муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар концепцияси тармоқларни бошқариш ва лойиҳалаш услубларини ўзгартиради. Дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар асосий иккита тавсифга эга. Биринчидан, бошқариш поғонасидан маълумот узатиш (инфраструктура) поғонаси ажратилади. Иккинчидан, бошқариш поғонаси марказлаштирилади, бунда битта бошқариш поғонаси маълумот узатиш поғонасидаги бир нечта элементларни бошқаради. Кўпгина тадқиқотлар дастурий конфигурацияланадиган тармоқларнинг инфраструктурасини шакллантириш, унинг самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган бўлиб, оқимларни бошқариш ва маршрутлаш жараёнларини характерловчи параметрларини баҳолаш ва ҳисоблаш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дастурий конфигурацияланадиган тармоқларнинг функционал самарадорлигини ошириш, ҳар хил турдаги ташқи трафик оқимларини рационал тақсимлаш ва бошқа йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш, янги усул ва алгоритмлар яратиш ҳамда жорий этиш каби масалаларига хорижий олимлар, жумладан N. McKeown, T. Anderson, G. Panilkar, L. Peterson, Y. Cui, J. Rexford, P. Смялянский, Д.А. Перепелкин, В.С.Бышов, Е.В. Плужник, В.П. Корячко, С.В.Малахов, Н. Xing, Ian F. Akyildiz, Pu Wang, Min Luo ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/-4751561>)

бошқа хорижий олимларнинг ишлари бағишланган. Шунингдек, Республикамизда тармоқларда ахборот оқимини тақсимлаш ва баланслаштириш масалаларини тадқиқ этиш бўйича Т.Н. Нишонбоев, Н.Б. Усманова, У.Б. Амирсаидов, Р.П. Абдурахманов, О.Т. Алламов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ҳар хил турдаги (яъни, гетероген) ташқи трафик оқимларини юқори юклама шароитида қайта ишлаш, узатиш жараёнларини ташкил этиш масалалари ҳамда бошқа муаммолар пайдо бўлиши, уларни ҳисобга олган ҳолда дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичларни яхшилаш, янги усул, модел ва алгоритмларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № Ф-635-16-сон «Дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар негизидаги булутли маълумот қайта ишлаш марказларини моделлаштириш ва оптималлаштириш масалаларини бажариш» (2016-2017 й.) мавзудаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот ишининг мақсади** дастурий конфигурацияланадиган тармоқларни бошқариш поғонасида ташқи трафик оқимларини юқори юклама шароитида қайта ишлаш ва узатиш жараёнларини бошқариш самарадорлигини оширадиган усул, модел ва алгоритмларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тармоқларда ташқи трафик ахборот оқимларини тақсимлаш жараёни ва моделини таҳлил қилиш;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ташқи трафик оқимларини юқори юклама шароитида кўп оқимли маршрутлаш усулини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда кўп оқимли маршрутлашни бажариш учун граф тузилмасида энг қисқа йўлни топиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ташқи гетероген трафик оқимларининг қисқа маршрут йўллари орқали узатилишини таъминлайдиган алгоритм ҳамда дастурий таъминот ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** дастурий конфигурацияланадиган тармоқларнинг компонентлари орасида оқимларни бошқариш ва тақсимлаш жараёнларини баҳолайдиган усул, алгоритмларни ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқ қилиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида граф, телетрафика, оммавий хизмат кўрсатиш, оқимларни тақсимлаш назариялари ҳамда

математик дастурлаш ва мураккаб тизимларни моделлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ташқи трафик ахборот оқимларини тақсимлаш жараёнларининг модели ишлаб чиқилган;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда  $Q$  (гетероген) турдаги ташқи трафик оқимларини юқори юклама шароитида кўп оқимли маршрутлаш усули яратилган;

кўп оқимли маршрутлашнинг граф тузилмаси асосида дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда энг қисқа йўлини топиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ахборот оқимларини тақсимлаш ва маршрут йўллари дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда қидириб топиш алгоритми ҳамда дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар математик модел асосида ҳисоблаш тажрибаси ўтказиш йўли билан тармоқ коммутаторлари орасида бир нечта қисқа йўллари топиш бўйича аниқ кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар инфратузилма поғонасининг топологик схемаси граф шаклида ифодалаб, граф тузилмасида энг қисқа йўлини топиш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларининг коммутаторларига келиб тушадиган оқимларни манзилларга кам вақт ичида ва қисқа маршрут йўллари орқали узатилишини таъминлайдиган функционал тизимостилардан таркиб топган модул ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар ташқи трафик маълумотларини оқимларнинг сақланиш қонуни асосида рационал тақсимлаш модели, юқори юклама шароитида  $Q$  турдаги ташқи трафик оқимларини кўп оқимли маршрутлаш негизида тақсимлаш усули, граф назарияси асосида берилган тармоқ тузилмасида энг қисқа йўлни топиш, ҳар хил турдаги ахборот оқимларини тақсимлаш ва маршрут йўллари аниқлаш бўйича яратилган алгоритмлар, олинган тадқиқот натижаларини умумқабул қилинган мезонлар асосида қиёсий солиштириш орқали изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда гетероген трафик маълумотларини юқори юклама шароитида оқимларнинг сақланиш қонуни асосида яратилган модел, усул ва алгоритмлар ёрдамида тармоқнинг ўтказиш қобилиятидан унумли фойдаланиш, йўқотишларсиз узатиш, ташқи трафик оқимларининг узатилмасдан “туриб” қолиш вақтини камайтириш, йўқотиш ва кечикишларга жуда сезгир бўлган трафик оқимларини узатиш жараёнлари ишонччилигининг ошиши билан изоҳланади.



Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инфокоммуникация тармоқлари транспорт поғонаси инфраструктурасини дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар асосида такомиллаштиришга, ҳар хил тур ва имтиёзли трафик пакетларини рационал тақсимлаш ва маршрутлаш жараёнларини автоматлаштириш ва унификациялашга ҳамда фойдаланувчи сўровларини бошқариш жараёнлари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори юклама шароитида дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда гетероген трафик оқимларини тақсимлаш модели ва алгоритмлари бўйича олинган натижалар асосида:

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ташқи трафик ахборот оқимларини тақсимлаш жараёнларининг модели Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан “Ўзбектелеком АК” “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиалига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 33-8/2958-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида тармоқ ичида маълумот узатиш тезлиги 8–12 % ошади, бу юқори юклама шароитида йўқотишларсиз ишлаш имконини яратди;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда Q (гетероген) турдаги ташқи трафик оқимларини юқори юклама шароитида кўп оқимли маршрутлаш усули ҳамда кўп оқимли маршрутлашнинг граф тузилмаси асосида дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда энг қисқа йўлини топиш алгоритми Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Ўзбектелеком» АК Самарқанд филиалига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 33-8/2958-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида ахборот жўнатувчи ва қабул қилувчи ўртасида бир нечта маршрутлар ташкил қилиниши тармоқнинг ўтказиш қобилиятидан 1.2 марта унумли фойдаланиш имкониятини яратди;

ахборот оқимларини тақсимлаш ва маршрут йўллариини дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда қидириб топиш алгоритми ҳамда дастурий таъминоти Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «New Line Solutions» МЧЖда жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 33-8/2958-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида тармоқдаги алоқа каналларидан бири тўсатдан ишламай қолганида маълумот узатиш йўлининг оператив бошқа маршрутга ўтказилиши ҳисобига ташқи трафик оқимларини узатилмасдан “туриб” қолиш вақти 1.2–1.5 марта камайишига ҳамда йўқотиш ва кечикишларга жуда сезиларли бўлган трафик оқимларини узатиш жараёнларининг ишончлилигини 10–14 % ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 9 та халқаро

конференция ва 8 та Республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтган.

**Тадқиқотлар натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотлар мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, улардан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 3 та хорижий, 3 та республика миқёсидаги журналда чоп этилган ва 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, нашр этилган ишлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ахборот оқимларининг бошқаруви ташкил этилганлигининг ҳолати**» деб номланган биринчи бобида дастурий конфигурацияланадиган тармоқларнинг архитектуравий хусусиятлари, дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ахборот оқимларининг тақсимоли йўналишидаги асосий мавжуд усуллар ва моделлари кўриб чиқилган ва таҳлил натижалари тақдим этилган. Бобда дастурий конфигурацияланадиган тармоқларнинг сифатини белгилайдиган кўрсаткичларни ҳар хил турдаги ташқи трафик пакетлари узатилиши учун сарфланадиган вақтни минималлаштириш мезони негизида оптималлаштириш ва тадқиқ этиш асослаб берилган.

Дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар (ДКТ) архитектурасининг таркиби учта поғонадан ташкил топади: иловалар поғонаси – реал вақт мобайнида тармоқни самарали бошқарилиши учун керак бўладиган иловалар мажмуасидан таркиб топади; тармоқни бошқариш поғонаси – контроллер (махсус операцион тизим ўрнатилган сервер компьютери) қурилмаси негизида тармоқдаги ҳамма қурилмаларнинг бошқаруви марказлашган ҳолда амалга оширилади; инфраструктура поғонаси – маълумот пакетлари узатилишини таъминлайдиган тармоқ қурилмаларидан таркиб топади, яъни коммутаторлар ва улар орасидаги алоқа каналари, поғонадаги тармоқ қурилмалари контроллердан тегишли маълумотлар ва буйруқларни қабул қилади ва уларни бажаради. ДКТнинг асосий протоколи OpenFlow протоколи ҳисобланади. Унинг асосида ДКТ қурилмалари орасида маълумот узатиш жараёнлари амалга оширилади.

Диссертацияда дастурий конфигурацияланадиган тармоқларининг афзалликлари, компоненталарининг вазифалари ва мавжуд анъанавий тармоқ билан қиёсий таҳлил натижалари жадвал кўринишида келтирилган.

Дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар йўналишида олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ДКТ асосида яратилган булут инфраструктурасининг трафикларини динамик тарзда бошқариш, оқимларни адресатидан манзилигача узатиш маршрутларини Дейкстри, Ёен алгоритмлари асосида аниқлаш, мавжуд тармоқ негизида ДКТни шакллантириш, адаптив маршрутлаш ва юкламани баланслаш, OpenFlow тармоқ технологияси негизида тармоқ структурасининг тажрибавий намуналарини лойиҳалаштириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилган, диққатга сазовор усул, модел ва алгоритмлар яратилган.

Инфокоммуникация тармоғининг ДКТ ғояси негизидаги транспорт поғонаси лойиҳалаштирилганида ҳар хил турдаги (товуш, видео ва компьютер) трафикларнинг пакетларини узатилиши белгиланган имтиёзлар асосида бажарилиши ҳисобга олиними керак бўлади. Таҳлил жараёнида бу йўналишдаги илмий изланишларга етарлича урғу берилмаганлиги аниқланди.

ДКТда уч хил турдаги трафикларнинг пакетлари узатилади. Ҳар бир пакет тури ўзининг имтиёзига эга: товуш трафигининг пакети энг юқори имтиёзга, сўнг видео пакетлари, сўнг компьютер маълумотлари пакетлари. Коммутатор ҳар бир пакетга имтиёзини ҳисобга олган ҳолда маршрут аниқлаб бериши ва шу маршрут бўйича узатишни ташкил этиши керак.

Билдирилган фикрлар негизида ишда оқимларни оптимал тақсимлаш масаласи қуйидагича таърифланган: дастурий конфигурацияланадиган тармоғи инфраструктура поғонасининг стационар ҳолатини белгиловчи чекловлар бажарилганида ундаги ҳар хил трафик оқимларини шундай тақсимлаш керакки, бунда берилган вақт оралиғида ҳамма турдаги пакетларни узатиш учун сарфланадиган вақтнинг йиғиндиси минимал бўлсин, яъни:

$$T = \sum_i (t_1 + t_2)_i \rightarrow \min$$

бу ерда:  $\{t_1\}$  - тармоқга келиб тушган ҳамма пакетларнинг навбатда кутишлари учун сарфланадиган вақтларнинг ўртача қиймати;

$\{t_2\}$  - тармоқга келиб тушган ҳамма пакетларга тармоқ қурилмаларида хизмат кўрсатиш учун кетадиган вақтларнинг ўртача қиймати.

Диссертациянинг «**Дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ташқи трафик оқимларини тақсимлаш масаласини формаллаштириш**» деб номланган иккинчи боби ДКТда оқимларни тақсимлаш ва узатишда ҳисобга олиними керак бўлган омилларни аниқлаш ва ахборот оқимларини танланган мезон асосида оптимал тақсимлаш масаласини расмийлаштиришга бағишланган.

Ишда тадқиқ этилаётган ДКТ инфратузилма поғонасининг топологик схемаси таркибида чекланган узатиш қобилиятига  $C = \{C_m\}$  эга қовурғалари (алоқа каналлари) ва чўққилари (коммутаторлари) бўлган йўналтирилмаган граф  $G(N, M)$  кўринишида ифодаланади ва қуйидаги маълумотлар берилади:

ҳар бир  $(i, j)$  канал учун қарама-қарши канал  $(j, i)$  мавжуд.

$\gamma_q$  – бу  $q$ -турдаги кириш оқимининг (ташқи трафигининг) ўртача интенсивлиги;

$f_q^k$  – бу жўнатувчи-олувчи (Ж-О)  $k$ -жуфтлиги ўртасида  $q$ -синфли тўлиқ оқимининг интенсивлиги;

$\lambda_{qi}$  – бу  $i$ -алоқа каналида  $q$ -синфли оқимнинг умумий интенсивлиги;

$\mu_i$  – бу  $i$ -алоқа каналида ўртача хизмат кўрсатиш вақти;

$\lambda_i$  – бу  $i$ -алоқа каналида ҳар хил турдаги оқимлар йиғиндисининг ўртача интенсивлиги.

Умумий кириш оқим  $\gamma$  учун унинг тегишли интенсивликлари қуйидагича аниқланади:

$$\gamma_1 = \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^N \gamma_{1i,j}, \quad \gamma_2 = \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^N \gamma_{2i,j}, \quad \gamma_3 = \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^N \gamma_{3i,j}$$

$$\gamma_{i,j} = \gamma_{1i,j} + \gamma_{2i,j} + \gamma_{3i,j}$$

Маршрутлаш қоидалари оқим моделига мувофиқ, маршрутли ўзгарувчилар матрицаси билан белгиланади. У ҳолда  $j$  – коммутаторга йўналтирилган  $i$  – коммутатор орқали ўтувчи барча синфли тўлиқ оқимнинг ўртача интенсивлиги қуйидагича ифодаланади:

$$V_{i,j} = \gamma_{i,j} + \sum_{Z=1}^N V_{Z,i}^{(j)} P_{Z,i}^{(j)} \quad (1)$$

бу ерда:  $P_{Z,i}^{(j)}$  –  $(i, j)$  маршрутда  $i$  коммутатор орқали  $j$ -коммутаторга юбориладиган  $Z$ -коммутатордаги умумий  $V_{Z,i}^{(j)}$  оқим улушини белгиловчи маршрут ўзгарувчиси (тортиш матрицаси). Ушбу ифода (1) оқимлар назариясида баланс тенгламаси деб аталади. Баланс тенгламасига мувофиқ  $j$ -коммутатор учун  $(i, r)$  алоқа каналидаги умумий оқимнинг ўртача интенсивлиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\lambda_{i,r} = V_{i,j} P_{i,r}^{(j)} = \left( \gamma_{i,j} + \sum_{q=1}^N V_{q,i}^{(j)} P_{q,i}^{(j)} \right) P_{i,r}^{(j)} \quad (2)$$

бу ерда:  $P_{i,r}^{(j)}$  – бу  $(i, j)$  маршрут  $(i, r)$  каналида маршрут ўзгарувчиси.

Умумий моделдан келиб чиқиб  $i$ -алоқа каналида  $q$ -синфли оқим интенсивлиги қуйидаги қийматга эга:

$$\lambda_{q,i} = \sum_{k=1}^k \sum_{j=1}^j \delta_{i,j}^{(k)} h_{q,i}^{(k)}$$

$$f_q^k = \sum_{j=1}^{u^{(k)}} h_{q,i}^{(k)} \quad (3)$$

бу ерда:  $k$  – рақамли жўнатувчи-олувчи жуфтлигининг  $j$ -йўлидаги маршрутида  $i$ -канал мавжуд бўлса  $\delta_{i,j}^{(k)} = 1$ , акс ҳолда  $\delta_{i,j}^{(k)} = 0$ ;

$h_{q,i}^{(k)}$  –  $k$ -рақамли Ж-О жуфтлигининг ўртасидаги  $j$ -йўлидаги маршрутида  $q$ -синфли оқимнинг ўртача интенсивлиги;

$f_q^k$  –  $k$ -рақамли Ж-О жуфтлигида  $q$ -синфли тўлиқ ўртача трафик.  $k$ -рақамли Ж-О жуфтлиги ўртасида  $u^{(k)}$  эҳтимолли маршрут йўллари мавжуд.

$i$ -алоқа каналида тўлиқ оқим интенсивлиги берилган канал бўйича ўтувчи барча турдаги оқимлар йиғиндиси сифатида топилади:

$$\lambda_{i,r} = \sum_{i \in Q} \lambda_{q,i} \quad (4)$$

Тармоқдаги ҳамма оқимларнинг ўртача кечикиши энг умумий кўри-нишда қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\bar{T} = 1/\gamma \sum_{i=1}^M \sum_{q=1}^Q \lambda_{q,i} T_{q,i} \quad (5)$$

$$\gamma = \sum_{k=1}^K \sum_{q=1}^Q f_q^k \quad (6)$$

бу ерда:  $T_{q,i}$  – бу  $i$ -каналида  $q$ -синфли оқимнинг (трафикнинг) ўртача кечикиши;

$\gamma$  – барча  $k$  - жўнатувчи-олувчи жуфтликларининг  $Q$ -синфли оқимларнинг умумий интенсивлиги.

Агар ДКТ инфратузилмаси поғонасининг тузилмаси ягона тизимдан иборат эканлигини инобатга олсак, унинг таркибига кирувчи алоқа каналлари ва коммутаторлар ишончли ва ҳалақитларга бардошли саналади. Ушбу тузилма киришига трафик пакетларининг тушиш вақтларини экспотенциал тақсимлаш билан, умумий интенсивлигини  $\gamma$  билан ва келиб тушадиган оқимларни стационар оқимлар қоидаларига риоя қилишини ҳисобга олсак, ҳамма турдаги оқимлар кечикиш вақтининг ўртача қийматини қуйидаги функция шаклида ифодалаш мумкин бўлади:

$$\bar{T} = 1/\gamma \sum_{i=1}^M \lambda_i / (\mu_i - \lambda_i), \quad (7)$$

ва ҳар хил турдаги оқимларнинг оптимал тақсимлаш масаласини математикада “қавариқ дастурлаш” усули билан маълум бўлган масала сифатида ечилишига имкон яратилади, у қуйидаги чекловлар бажарилганида шакллантирилади:

$$\begin{cases} \lambda_{z,i} \geq 0, \lambda_i < \mu_i \\ \sum_{j=1}^N \sum_{z=1}^Z \lambda_{z,i,j}^{(k)} + \sum_{Z=1}^Z \gamma_{z,i} = \sum_{j=1}^N \sum_{z=1}^Z \lambda_{z,j,i}^{(k)} \\ \gamma_{i,j} = \gamma_{1i,j} + \gamma_{2i,j} + \gamma_{3i,j}, \gamma_{1i,j}, \gamma_{2i,j}, \gamma_{3i,j} \geq 0 \end{cases} \quad (8)$$

(7) да келтирилган қавариқ функцияни минималлаштириш талаб этилади.

Масаланинг ечими амалга оширилиши оқибатида қайси трафик тури қайси пропорцияда ҳар бир алоқа канали ва ҳар бир маршрут бўйича узатилишининг қийматлари аниқланиши мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, оптималлаштириш масаласининг ечими натижасида  $k$  – жўнатувчи-олувчининг ҳар бир жуфтлиги ва  $q$  – турдаги трафик учун умумий ўртача кечикиш вақтининг минимумини таъминлаб берувчи мусбат оқимларга эга йўлларнинг ягона тартибга келтирилган тўпламини аниқлаш имкони пайдо бўлади. Оқибатда оқимлар “жўнатувчидан-олувчига” излаб топилган маршрут орқали тўғридан-тўғри узатилади, бу эса бошқа йўллар орқали узатилишига қараганда камроқ вақт сарфланишига олиб келади.

Трафик пакетларининг келиб тушиш ва хизмат кўрсатиш қоидалари ихтиёрий тақсимлаш функциялари билан ифодаланадиган ҳолатлар учун оптималлаштириш масаласи формаллаштирилганида мақсадли функция (5) ва (7) нинг умумий кўриниши ўзгармайди, фақат таркибига кирувчи ифодаларнинг кўриниши тегишли тақсимот қонунларига мос ҳолда ўзгартирилади.

Диссертациянинг «**Дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ҳар хил турдаги ахборот оқимларини тақсимлаш модел ва алгоритмларини яратиш**» деб номланган учинчи бобида ДКТда ташқи трафик ахборот оқимларини оптимал тақсимлаш модели, ҳар хил турдаги маълумотларни кўп оқимли маршрутлаш негизида тақсимлаш усули яратилган, ҳамда граф схемасида энг қисқа йўлни аниқлаш, ДКТда ҳар хил турдаги ахборот оқимларини тақсимлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Умумий оқимни ДКТ қурилмалари бўйича тақсимлаш масаласининг ечими оқим назариясига асосланган ва тизимнинг стационар ҳолатини белгилайдиган чекловларга риоя қилинган ҳолатида амалга оширилган.

Ушбу назарияга мувофиқ ҳар хил турдаги оқимларни оптимал тақсимлаш модели қуйидагича тавсифланади: агар  $\Psi_{(i,j)}^q$  - мультиоқимнинг  $q$  - ахборот жўнатувчи ва ахборот олувчи ўртасидаги маршрути  $(i, j)$  коммутаторлар орасидаги маршрут бўлса, ҳамда унинг маршрут йўлидаги ҳар қандай  $(x, y)$  алоқа каналида кўп манбали оқим интенсивлигининг қиймати  $\lambda_{(i,j)}^q > 0$  бўлса, (7) ифодада келтирилган қаварик функциянинг  $\bar{T}$  қиймати, ушбу  $\Lambda = \{\lambda_{(i,j)}^q\}$  мультиоқимнинг ҳар қандай “маршрути” фақат  $\eta_{i,j}$  метрикасида энг қисқа йўл бўлган тақдирда минималлаштирилади, яъни:

$$\eta_{i,j} = \partial \bar{T}_{ij} / \partial \lambda_{ij} = \mu_{ij} / (\gamma(\mu_{ij} - \lambda_{ij}))^2 \quad (9)$$

бу ерда:  $\eta_{i,j}$  параметрнинг қиймати  $(i, j)$  - алоқа каналида оқимнинг қиймати ошиши ёки камайиши натижасида мақсадли функциясининг ўзгариш даражасини тавсифлайди.

Агар  $(i, j)$  – алоқа каналида оқимнинг қиймати ошиши кузатилса,  $q$ -синфли трафик оқимининг қиймати шу маршрутдаги умумий оқим қийматидан, яъни таркибида  $(i, j)$  – алоқа канали мавжуд маршрутдаги ҳамма алоқа каналларининг умумий оқим қийматларидан айирилади ва бошқа маршрут алоқа каналларининг оқим қийматларига қўшилади. Умумий оқимнинг маълум бир қисмини бошқа йўлга ўтказиш процедураси қуйидагича ифодаланеди:

$$\begin{aligned} \varphi_k^{(L,1)} &= \lambda_k^{(L,1)} - \Delta^3 \lambda_k^{(L,1)} \\ \varphi_q^{(L,2)} &= \lambda_q^{(L,2)} + \Delta^3 \lambda_q^{(L,2)} \end{aligned} \quad (10)$$

бу ерда:  $\Delta^3$  – бир йўлдан бошқасига ўтадиган оқим улушини тавсифловчи параметр. 3 индекси – компьютер маълумотлари трафигига мос келадиган оқимнинг бошқа йўлга ўтказилган қисми, агар бошқа трафикларнинг

оқимлари бошқа йўлга ўтказилса, индекс мос равишда ўзгаради (товуш – 1, видео – 2).

Диссертацияда  $q$  турдаги ташқи трафик оқимларини ДКТда оптимал тақсимлаш модели батафсил ёритилган.

ДКТ инфраструктура поғонаси коммутаторлари фақат таркибларидаги портлар ва пакетнинг сарлавҳасидаги адрес маълумотлари асосида узатиш операцияларини бажаришлари ҳар хил турдаги оқимларни бир неча виртуал каналлар орқали манбадан адресатга етказиш имконини яратади.

ДКТ инфраструктура поғонасида  $Q$  турдаги трафик оқимларининг ҳар бир тури учун энг қисқа маршрутни аниқлаш қуйидаги усулда амалга ошириш таклиф этилади:

- ҳар бир трафик тури учун имтиёз белгиланади ва улар “юқоридан пастга” кетма-кетлигида жойлаштирилади, яъни  $p_1 < p_2 < \dots < p_q$ ;

- инфраструктура поғонаси топологияси таркибидаги алоқа каналлари вазнларининг  $\{1/\mu_i\}$  қийматлари асосида поғона коммутаторлари орасида энг қисқа йўл топилади;

- топилган йўллар орқали навбатдаги имтиёзга эга (энг юқори имтиёзли трафик  $\gamma_1$  оқимидан бошлаб) трафик оқимлари манбадан манзилига жўнатилади; оқимнинг ҳар бир маршрути жўнатилаганидан сўнг, оқим йўналишидаги алоқа каналларининг стационар ҳолат шarti текширилади, яъни  $\{\lambda_i\} < \{\mu_i\}$ , шарт бажарилмаганида қуйидаги операциялар бажарилади:

$$\{\lambda_i^{чег}\} = \{\rho_i^{чег}\} \times \{\mu_i\}, \Delta\{\lambda_i\} = \{\lambda_i\} - \{\lambda_i^{чег}\}, \{\mu_{i+1}\} = \{\mu_i\} - \{\lambda_i^{чег}\}$$

$1/\{\mu_{i+1}\}$  асосида янги энг қисқа йўл топилади;  $\Delta\{\lambda_i\}$  трафик шу йўл орқали узатилади ( $\rho_i^{чег}$  каналнинг чегараланган юкланганлик даражаси);

- каналларнинг юкланганлик даражалари  $\{\lambda_i\}$  ва янги вазнлари  $\{\mu_i\}$  аниқланади ( $\{\mu_{i+1}\} = \{\mu_i\} - \{\lambda_i^{чег}\}$ ), ҳамма трафик тури кўриб чиқилмаган бўлса, кейинги имтиёзли трафик оқимларини узатиш жараёни иккинчи босқичдан бошлаб, ҳамма турдаги трафик оқимлари учун қайтарилади.

Ишда оқимларни оптимал тақсимлаш модели асосида ҳар хил турдаги ташқи трафик оқимларини ДКТ инфраструктура поғонасида тақсимлаш бўйича 2 та алгоритм яратилган: “тармоқда оқимларнинг оғиши” ва “кўп оқимли маршрутлаш”. Улар тармоқдаги стохастик жараёнларни нисбатан аниқ акс эттириш мақсадида хизмат кўрсатиш тармоқлари (ХКТр) назариясида келтирилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда яратилган.

Алгоритмларни ишлаши учун керакли маълумотлар киритилганидан сўнг, тармоқ тугунларига келиб тушадиган ташқи трафик оқимларининг, ҳамда тармоқ қурилмаларининг пакетларга хизмат кўрсатишининг умумий интенсивликлари ҳисобланади, тармоқ бўйича стационар ҳолат шarti (яъни,  $\sum \gamma_i < \sum \mu_i$ ) бажарилиши бўйича ўзгартиришлар киритилади.

Биринчи алгоритмда оптимал виртуал каналлар кўп манбаали оқимларнинг маргинал кечикиш метрикаси негизида аниқланади ва ҳар хил турдаги ташқи трафик оқимари асосан битта виртуал канал орқали узатилади.

Иккинчи алгоритм кўп оқимли маршрутлаш усулига асосланган бўлиб, операторларининг функциялари қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

1) берилган маълумотларни киритади;

2) тармоқ бўйича стационар ҳолат шarti ( $\sum \gamma_i < \sum \mu_i$ ) таъминланиши бўйича операцияларни бажаради, трафик турини белгилайди:  $k=1$  – товуш;  $k=2$  – видео,  $k=3$  – компьютер маълумотлари;

3).  $k=k+1$ ; алоқа каналларини ўтказиш қобилиятини характерловчи параметрлар негизда  $k$ -трафик оқими учун коммутаторлар орасида энг қисқа йўллари ҳисоблайди;

4) “тортиш матрицаси” параметрларининг  $\{\varphi_{m-j}^k\}$  қийматлари негизда  $m-j$  ( $m, j \in M$ ) чўққилар орасида топилган қисқа йўллар бўйича  $k$ -трафик оқимини йўналтиради, натижада ДКТ инфраструктура поғонаси тармоқ топологияси алоқа каналларида ( $i \in N$  – граф коворғаларида) бошланғич мультиоқимни  $\{\lambda_i\}^{(k)}$  шакллантиради:

$$\{\lambda_i\}^{(k)} = \{\lambda_i^{(k-1)} + \varphi_{m-j}^k \gamma_{(m-j),i}^k\},$$

бу ерда:  $\gamma_{m-j}^k$  –  $m$ -чўққига  $k$ -турдаги трафик оқимининг тушиш интенсивлиги;  $\varphi_{m-j}^k \gamma_{(m-j),i}^k$  –  $m$ -чўққига келиб тушган  $k$ -турдаги трафик оқимининг  $j$ -чўққига узатиш учун мўлжалланган ва  $i$ -алоқа канали орқали йўналтирилган қисмининг интенсивлиги;

5) алоқа каналларида  $\{\lambda_i^{(k)}\} < \{\mu_i\}$  шарт бажарилганлигини текширади, “ха” бўлганида бошқарув 4 операторга акс ҳолда 1 операторга ўтказилади, у  $k$  ташқи трафик оқими интенсивлигининг қийматини ўзгартиради;

б)  $k$  ташқи трафик оқими интенсивлигининг қийматларини ҳисобга олган ҳолда тармоқ алоқа каналлари ўтказиш қобилиятининг (пакетларга хизмат кўрсатиш интенсивлигининг) янги қийматларини ҳисоблайди, яъни:

$$\{\mu_i\}^{(k)} = \{\mu_i\}^{(k-1)} - \{\lambda_i^{(k)}\}$$

(кўп манбадан келаётган  $k$  трафик оқими интенсивлигининг қиймати ҳисобига алоқа каналларининг юкланганлик даражаси  $\{\lambda_i^{(k)}\}$  қийматга ошади, алоқа каналларининг оқимларга хизмат кўрсатиш интенсивлиги эса шу қийматга камаяди);

7) Шартли  $k < 3$  шарт бажарилганлигини текширади, “йўқ” ҳолатида бошқарувни 2, акс ҳолда 6 операторга ўтказилади;

8) Мақсадли функциянинг (7) қийматини ҳисоблайди, натижаларни чоп этади ва алгоритм ишини тўхтатади.


Таклиф этилган модел, усул ва алгоритмларнинг асосини графда энг қисқа йўлни топиш алгоритми ташкил этади. Шу сабабли, ишда берилган граф схемасида энг қисқа йўлни топиш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган, 20 та чўққили граф схемасида апробация қилиб, самарадорлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «Ҳисоблаш тажрибаси натижаларини таҳлил қилиш ва тадқиқот натижаларини ривожлантириш бўйича таклифлар



**ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобда ДКТда юқорида юклама шароитида ахборот оқимларини тақсимлаш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган, ҳисоблаш тажрибаси натижалари негизида таклиф этилган модел, усул ва алгоритмларнинг самарадорлиги кўрсатиб берилган.

Дастур С<sup>#</sup> тилида ёзилган бўлиб, ташқи трафик оқимларини берилган тармоқ тузилмаси доирасида оптимал тақсимлаш масаласини ечишга мўлжалланган (1-расмга қаранг). Унинг асосида ҳисоблаш тажрибаси ўтказилган, натижалар асосида бир трафик оқимларининг юкланганлик даражаси, иккинчи турдаги трафик оқимларининг кечикиш параметрларига таъсири тўғрисида маълумотлар олинган ва таҳлил қилинган. Таклиф этилган усул ва алгоритмларнинг самарасини кўрсатиш мақсадида таркибида 12 коммутатор ва 16 алоқа канали бўлган инфраструктура поғонаси (2-расмга қаранг) натижалари келтирилади.




1-расм. Дастурий таъминотнинг функционал схемаси.

Коммутаторнинг кириш қурилмасига уч турдаги ташқи трафик пакетлари қабул қилинади. Пакетларни қайси трафик турига мансублигини аниқлаш махсус “фильтр” воситаси ёрдамида аниқланади. Ҳар бир трафик тури учун келиб тушиш интенсивлигининг қийматига қараб виртуал каналнинг узатиш қобилияти аниқланади.


Дастур ҳар бир трафик оқимлари учун энг қисқа йўлни топади, улар асосида босқичма-босқич товуш, видео ва компьютер маълумотлари

трафикларининг оқимларини йўналтиради, ҳар бир трафик тури ва умумий тармоқ учун мақсадли функциянинг қиймати ҳисоблайди.




2-расм. Тажириба ўтказилган тармоқ тузилмасининг схемаси

Икки алгоритм асосида олинган натижаларни (3-расмга қаранг) қуйидагича изоҳлаш мумкин: тармоқда юклама нисбатан паст бўлганида ( $\rho \approx 0.3$ ) иккала вариантда ҳам мақсадли функциянинг қиймати деярли бир хил натижани кўрсатган (4.3333 ва 4.8081), аммо юклама ошганида натижалар кескин фарқ қилган, яъни  $\rho \approx 0.6$  бўлганида 10.5311 ва 14.9964,  $\rho \approx 0.9$  да эса таклиф этилган вариантда умумий кечикиш вақти 17.0174 ва иккинчи усулда эса 24.6807 натижалари олинган.



а)



б)

3-расм. ДҚТда оқимларни таклиф этилган “кўп оқимли маршрутлаш” (а) ва “тармоқда оқимларни оғиши” (б) усуллари асосида таксимланишида юзага келадиган ўртача кечикиш вақтлари йиғинидисини тармоқ юкланганлик даражасига боғлиқлигини кўрсатувчи диаграмма.

Шундай қилиб, ДҚТ инфраструктура поғонасида кўп оқимли маршрутлаш усули негизида ҳар хил трафик оқимларининг пакетларини манбадан адресатига йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бунда пакетларни узатиш учун нисбатан кам вақт сарфланади. Ушбу усул асосида яратилган дастурий таъминотни ДҚТга жорий этилиши унинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади.


ДКТ коммутаторига келиб тушган пакет учун маршрут кўрсатилмаган бўлса, у OpenFlow протоколи ёрдамида химояланган канал орқали контроллерга жўнатилади, керакли илова дастури асосида маршрути аниқланади, химояланган каналлар орқали тегишли коммутаторларнинг маршрут жадвалларига кўрсатмалар етказилади, пакетлар янги маршрут орқали манзилига узатилади.

Тармоқнинг юкламаси баланд бўлганида пакетни ДКТ инфраструктура ва бошқариш поғоналарининг қурилмаларида қайта ишлаш учун кетадиган вақтнинг ўртача қиймати пакетларни келиб тушадиган вақт оралиғининг ўртача қийматидан  $\Delta\tau = \tau_i - \tau_{i-1}$  баланд бўлиш эҳтимоли ошиб боради, бундай ҳолат пакетларни йўқолиш эҳтимолини кўпайишига ва узатиш сифатини пасайишига сабаб бўлади.


Юклама ошган сари ОХКТ киришида хизмат кўрсатилишини кутаётган сўровларнинг сони буфер ҳажмидан ошиб кетиши ва уларни йўқотиш эҳтимоли пайдо бўлади. ОХКТнинг M/M/1/m моделида сўровларни йўқотиш эҳтимоли қуйидаги ифода билан тасвирланади:

$$P_{ii} = \rho^{(m+1)}(1 - \rho)/(1 - \rho^{m+2})$$

Юклама кам бўлганида пакетларни йўқотиш эҳтимоли нолга яқин, аммо ошган сари (0.5 дан бошлаб)  $P_{ii}$  нинг қиймати сезиларли даражада ўзгариб боради, айниқса буфернинг ҳажми кичик бўлганида (4-расмга қаранг), унинг ҳажмини оширилиши пакетларни йўқотиш эҳтимоли нисбатан камайиши (5-расмга қаранг), лекин юклама баланд ҳолларда  $P_{ii}$  нинг қиймати ҳисобга олиниши керак даражада бўлиши кузатилади.



4-расм.  $P_{падэ} = f(\rho)$ , ( $m=const$ ) функционаллигини кўрсатувчи диаграмма.



5-расм.  $P_{падэ} = f(m)$ , ( $\rho=const$ ) функционаллигини кўрсатувчи диаграмма.

ДКТда ҳар хил турдаги ташқи трафик пакетлари учун кўп оқимли маршрутлаш усули асосида йўллари олдиндан аниқланиб, коммутаторларнинг оқим жадвалларига киритиб қўйилса, пакетлар ўрнатилган маршрутлар орқали узатилади ва пакетларни йўқотилиши кузатилмайди.

## ХУЛОСА

«Юқори юклама шароитида дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда гетероген трафик оқимларини тақсимлаш модели ва алгоритмлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Танланган мезон доирасида дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар инфраструктура поғонасида гетероген ташқи трафик оқимларини рационал тақсимлаш масаласи оқимли модел ва оқимларнинг сақланиш қонуни асосида расмийлаштирилган ва оқимлар кечикиш вақтининг ўртача қийматини ифодаловчи рационаллаштириш функциясининг математик ифодаси аниқланган.

2. Рационаллаштириш масаласининг ечими жўнатувчи-олувчининг ҳар бир жуфтлиги ва гетероген трафик учун умумий ўртача кечикиш вақтининг минимумини таъминлаб берувчи йўлларнинг ягона тартибга келтирилган тўпламини аниқлаш имкони пайдо бўлиши, топилган маршрут орқали тўғридан-тўғри узатилиши, камроқ вақт сарфланишига олиб келиши оқимлар назарияси негизида асосланган.

3. Дастурий конфигурацияланадиган тармоқларда ҳар хил трафик оқимларини рационал тақсимлаш модели ва кўп оқимли маршрутлаш негизида тақсимлаш усули яратилган ва натижада юқори юклама шароитида йўқотишларсиз узатилиши таъминланган.

4. ДКТ инфраструктура поғонасини граф шаклида ифодалаб, энг қисқа йўлни топиш алгоритми ишлаб чиқилган. Қисқа йўлларни топиш учун кетадиган вақт кенг тарқалган Дейкстри алгоритми асосидаги вақтга нисбатан 3.2 фоиз кам сарфлаши аниқланган.

5. ДКТ инфраструктура поғонаси оммавий хизмат кўрсатиш тармоқлари (ОХКТр) назарияси асосида математик модел яратиш самарали эканлиги асосланди. Ушбу назария асосида оқимларни тақсимлаш алгоритмлари яратилган ва кечикишларга жуда сезгир бўлган трафик оқимларини узатиш жараёнларининг ишончлилиги 10–14 % ошишига эришилган.

6. Яратилган усул ва алгоритмлар асосида ДКТ инфраструктура поғонаси коммутаторларига келиб тушадиган оқимларни манзилларига кам вақт орасида ва қисқа маршрут йўллари орқали узатилишини таъминлайдиган функционал тизимостилардан таркиб топган дастурий таъминот ишлаб чиқилган ва натижада ташқи трафик оқимларини узатилмасдан, “туриб” қолиш вақтини 1.2–1.5 марта камайишига эришилган.

7. Ахборот фойдаланувчилар ўртасида бир нечта маршрутларнинг ташкил қилиниши тармоқнинг ўтказиш қобилиятидан 1.2 марта унумли фойдаланиши, тармоқ ичида маълумот узатиш тезлиги 8–12 % ошиши, бу юқори юклама шароитида йўқотишларсиз узатилиши, маълумот узатиш йўлининг оператив бошқа маршрутга ўтказилиши ҳисобига ташқи трафик оқимларининг узатилмасдан “туриб” қолиш вақти 1.2-1.5 марта камайиши, йўқотиш ва кечикишларга жуда сезгир бўлган трафик оқимларини узатиш жараёнларининг ишончлилиги 10–14 % ошишига эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.02**  
**ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ**  
**УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ**  
**ТЕХНОЛОГИЙ**

**МАХМУДОВ САЛИМЖОН ОЛИМЖОНОВИЧ**

**МОДЕЛЬ И АЛГОРИТМЫ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ПОТОКОВ**  
**РАЗНОРОДНОГО ТРАФИКА В ПРОГРАММНО-**  
**КОНФИГУРИРУЕМЫХ СЕТЯХ В УСЛОВИЯХ ВЫСОКОЙ**  
**ЗАГРУЖЕННОСТИ**

05.04.01 – Телекоммуникационные и компьютерные системы, сети и устройства телекоммуникации. Распределение информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО**  
**ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Т465.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Нишанбаев Туйгун Нишанбаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**  
**Хамдамов Уткир Рахматиллаевич**  
доктор технических наук, доцент  
**Рахимов Бахтиёржон Нейматович**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **АК “Узбектелеком”**

Защита диссертации состоится «25» ноября 2020 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65- 52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №2625). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «14» ноября 2020 года.  
(протокол рассылки №6 от «0» ноября 2020 года.)



**И.Х. Сиддиков**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Х.Э. Хужаматов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор философии (PhD)  
по техническим наукам, доцент

**Р.М. Алиев**  
Заместитель председателя научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н. доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в последние годы сети связи нового типа и современные услуги предполагают применение более сложных функций управления. Развитие инфокоммуникационных услуг помимо эффективного управления информационными ресурсами требует решения вопросов расширения функциональности сетей связи. В свою очередь, внедрение и развитие новых технологий в сфере телекоммуникаций ставят перед операторами связи задачи по решению проблем, связанных с обеспечением качественного оказания услуг, организацией взаимодействия на уровне протоколов, предоставлением надежного транспорта, определением пакета услуг. В этой связи в развитых странах мира, в частности, в США, странах Европейского Союза, Японии, Южной Кореи, России и других государствах, изучаются программно-конфигурируемые сети, направленные на повышение эффективности функционирования действующих сетей. В этих условиях актуальными задачами являются вопросы передачи оборудованием программно-конфигурируемых сетей разнородных данных и данных большого объема на высокой скорости, обработки на высоком качественном уровне, пропускной способности, а также эффективного распределения и маршрутизации потоков данных в сетях в кратчайшие сроки.

В мире в настоящее время исследования в области развития инфокоммуникационных технологий показывают, что в результате повышения потребностей пользователей традиционной технологии сети TCP/IP в передаче данных в ближайшее время сети не будут отвечать современным требованиям. При этом программно-конфигурируемые сети, которые как ожидается станут решением этой проблемы из-за относительной новизны этой сетевой технологии, поэтому их развитие, совершенствование, повышение показателей эффективности сети и разработки вычислительных моделей широко изучаются исследователями. В соответствии с этим, актуальными стали вопросы разработки алгоритмов и программного обеспечения по оптимизации процессов распределения данных внешнего трафика сети, созданию способов распределения потоков внешнего трафика в условиях высокой загрузки, передачи потоков внешнего разнородного трафика по кратчайшим маршрутам.

В Республике Узбекистан в программе социально-экономического развития за последние годы важную роль играют дальнейшее развитие и совершенствование информационно-коммуникационных технологий, внедрение в жизнь во всех секторах экономики достижений в этой области. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в проекте государственной программы по реализации Года развития науки, просвещения и цифровой экономики определены задачи «...в сфере развития телекоммуникационной инфраструктуры расширение широкополосного использования сети Интернет, развитие и модернизацию сети мобильной

связи и других современных телекоммуникационных услуг»<sup>1</sup>. Осуществление широкомасштабных планов, предусмотренных в программах экономического развития государства, в большой степени связано с надежным и непрерывным функционированием средств инфокоммуникационных сетей. В этих условиях актуальными задачами являются вопросы передачи разнородных данных большего объема на высокой скорости, обработки и передачи информации на установленном качественном уровне с помощью средств информационно-коммуникационных сетей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 30 июня 2017 года № УП-5099 «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике», от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

